

АДОЛАТ

ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ»
СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИННИНГ
ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ ГАЗЕТАСИ

ГАЗЕТА 1995 ЙИЛ
22 ФЕВРАЛДАН ЧИҚА
БОШЛАГАН

2006 ЙИЛ 23 ИЮНЬ, ЖУМА ● СOTУВДА ЭРКИН НАРХДА ● № 25 (573) ● www.adolat.uz ● E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Ушбу сонда:

СЕНАТОРНИНГ
МАҲАЛЛАГА
ТАШРИФИ

партия кўгауси

РИСОЛАДАГИДЕК
КЕЛИШУВ

қишлоқ хўжалиги

МАЪРИФАТ
ҲАМИША ҒОЛИБ

огохлик

СУДАНДАГИ
НИЗОЛАР

хориж хабарлари

ОМАД
КУЧИЛАРГА
КУЛИБ
БОҚМОҚДА

жаҳон чемпионати

ВАҚТДАН
ҚАНДАЙ
ҲОЙДАЛАНСИЗ?

психолог маслаҳати

2

3

4

Ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик асосида ривожланмоқда

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июнь кунин Оқсаройда Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси бош директори Абдулвахоб Аҳмад ал-Бадерни қабул қилди.

— Ўзбекистон билан Кувейт ўртасидаги муносабатлар изчил ривожланаётгани ва икки томон учун ҳам манфаат келтираётгани бизга мамнуният бағишлайди, — деди Ислам Каримов.

Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ривожланаётган араб давлатларига молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадида 1961 йилда ташкил этилган Кейинги даврда мазкур жам-

гарма Европа, Осиё, Африка ва Латин Америкаси давлатлари билан сарможий ҳамкорлик алоқаларини кенгайтирди.

Мамлакатимиз билан жамғарма ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий пойдеворига Президент Ислам Каримовнинг 2004 йилда Кувейтга расмий ташрифи давомида асос солинган. Ташриф чоғида Ўзбекистон ҳукумати билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасида ҳамкорлик тўғрисида меморандум имзоланган эди.

Қайд этиш керакки, аслида мазкур жамғарма билан ҳамкорлик анча илгари йулга қўйилган. 1997 йилда ушбу

жамғарма Нукус ва Урганч шаҳарларини ичимлик суви билан таъминлаш лойиҳасини амалга ошириш учун қарийб 20 миллион АҚШ доллари миқдорига маблағ ажратган эди.

Бугунги кунга қадар жамғарма томонидан Ўзбекистондаги лойиҳалар ижроси учун ажратилган маблағ миқдори 60 миллион АҚШ долларидан ошди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон билан Кувейт Араб Иқтисодий тараққиёт жамғармаси ўртасидаги кенг қамровли ҳамкорлик алоқаларининг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан фикр алмашилди. (ЎЗА)



Ғалла — 2006

Пойтахт вилоятининг Қуйи Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» тажриба хўжалиги ғалла майдонларида Ўрим-Йигим мавсуми юқори суръатларда олиб борилди. 1700 гектар ер майдонидидаги ҳосилни йиғиштириб олиш учун иш бир маромда уюшқоқлик билан ташкил этилган бўлиб, қомбайн ва бошқа қишлоқ хўжалиги техника воситаларидан самарали фойдаланилаётгани яхши натижа бермоқда. Ғаллакорлар мавжуд ғалла майдонларининг ҳар бир гектаридан 42 центнердан ҳосил кўтаришмоқда.

Суратда: Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Суннат Ҳайдаров хўжалик қасаба уюшмаси раиси Баҳодир Бойбўтаев ва пудратчи Саидхалил Фотемановлар билан ғалла майдонларини кўздан кечиришмоқда.

Президент Минскка жўнаб кетди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 22 июнь кунин Евроосиё иқтисодий ҳам-жамиятига (ЕврАзЭС) аъзо мамлакатлар раҳбарлари Давлатлараро кенгашининг мажлисида иштирок этиш учун Беларусь пойтахти Минск шаҳрига жўнаб кетди.

Давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида журналистлар билан суҳбатлашди.

— Ҳар қандай ташкилотга аъзо бўлишдан олдин унинг ҳалққа, давлатга қандай нафи тегишини ҳисобга олиш зарур, — деди Президентимиз.

— Ўзбекистон ЕврАзЭСга аъзо бўлишдан қандай манфаат кўради? Бу саволга жавобни ташкилотнинг номидан топса бўлади. Евроосиё иқтисодий ҳамжамияти. Демак, биз бу ташкилот доирасидаги ҳамкорликдан биринчи навбатда иқтисодий манфаат кўришимиз керак.

Давлатимиз раҳбари ташкилот олдига турган асосий масалалар ҳақида тўхталар экан, аъзо давлатлар ўртасида савдо-сотиқни янада ривожлантириш, иқтисодий ҳамкорликни фаоллаштириш, сарможалар бозорини ташкил қилиш зарурлиги-

ни алоҳида таъкидлади. Минтақада божхона иттифоқини тузиш масаласини ниҳоясига етказиш ҳам дол-лар ва вазифалардан эҳажлигини қайд этди.

ЕврАзЭСга аъзо давлатлар раҳбарларининг Минск учрашувида ин-теграцияни ривожлантиришга, мин-тақавий хавфсизлик ва Барқарор-ликни мустаҳкамлашга, савдо-иқ-тисодий ҳамкорликни янада кенгай-тиришга оид масалалар муҳокама этилиши режалаштирилган.

Ф. АРЗИЕВ,
ЎЗА мухбири

Пешқадамлар қаторида

А. МАҲМУДОВ,
«Адолат» мухбири

Айни кунларда Олтинқул туманидаги 11 та ширкат ҳамда 107 та фер-мер хўжалиқларида иш қўзғин. Ғалла-корлар етиштирилган ғаллани нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ту-зилган контрактация шартномалари-ни бажариш ишлари билан банд.

«Ҳақиқат» ширкат хўжалиги дех-қонлари қишлоқ хўжалиги маҳсулот-лари етиштириш бўйича туманда ўзига хос мактаб яратган десак, асло му-болага бўлмайди. Утган йиллар давоми-да ширкат хўжалиги пилла, ғалла, пахта етиштириш бўйича юқори на-

тижаларни қўлга киритиб келган. Жо-рий йилда ҳам ширкат хўжалиги ми-ришкорлари агротехника талаблар-ига тула амал қилган ҳолда 135 гектар ерда ғалланинг «Чиллаки» нави-ни парваришлаган эдилар.

Ўрим-йигим ишлари қисқа му-датларда тугатилиб, давлат қабул ом-борларига режадаги 466 тонна ўрни-га 525 тонна сара дон топширилди. Топширилган ғалланинг 410 тонна-си уруғликка қабул қилинди. Ҳосил-дорлик гектарига 59 центнерни таш-кил этди. Ширкат хўжалиги биргина давлатга ғалла сотишдан 102 милли-он сум соф даромад кўрди.

Орамизда шундай
ажойиб инсонлар
борки, уларнинг
турмуш тарзидан
фахрлансак, ҳар
қанча ибрат
олсак арзийди.



Улуғ неъмат қадри

Иброҳим НОРМАТОВ

Одатда, бундай инсонлар бош-қалардан кескин ажралиб турмай-ди, уларни кўз-кўз қилмайди, кам-тарлик, меҳр-қўз қилмайди, мурувват, уларга хос ҳислатлар. Тўхтабой Бол-табоев ана шундай оддий, ўз ум-рини эзгулик ва саховатпешалик-ка бағишлаган инсонлардан. У Қорақалпоғистоннинг Элиқалъа туманида яшайди. Тўхтабой ака ва унинг умр йўлдоши Омина опа хур-мат-этиборга сазовор инсонлар.

Мен Тўхтабой ака билан кўп му-лоқотда бўлганман. У кишининг дунёқараши кенг, мамлакатимизда ва хорижда юз бераётган ўзгариш-ларни мунтазам кузатиб, таҳлил қилиб боради. Юртбошимизнинг тинчликсеварлик сийсатини ҳами-ша қадрлаб ўз муносабатини бил-дириб келади. Минтақадаги дав-латларга жиддий хавф солиб кел-аётган уруш-жанжаллар Ўзбеки-стонни четлаб ўтаётганини бу юртга Оллоҳнинг назари тушгани, Юрт-бошимизнинг оқилона, одилона сийсати туфайли деб билади.

Бир сафар суҳбатимиз тинчлик деган улуғ неъматнинг қадри ҳақида борди. «Оллоҳ бу улуғ неъматни севган бандасига, яхши кўрган юрт эгасига беради. Кўп марта Ўзбекистонда уруш-жанжал чиқаришга уриниш бўлди. Бироқ Юртбошимиз Оллоҳ берган ақл-ид-рок билан иш қилиб келаяпти», — деди Тўхтабой ака. Ҳақиқатдан ҳам тинчлик учун курашмоқнинг маз-мун-моҳияти ана шу ақл-идрок ту-шунчасида мужассамдир.

Ҳақиқат қиёшлада ойдинлаш-ади, дейишарди. Тўхтабой ака ҳа-ми-ша қиёшда хулоса чиқаради. У киши кейинги йилларда дунёнинг турли жойларида юз берган мил-ли-этник, худудий ва бошқа ни-золарнинг сабаблари ҳамда оқибатларини тушутиради. Уша юртларда фожаларнинг олдини олдирган куч топилмаганини да-лиллалар билан исботлаб беради. Ана шундай вазиет бизда ҳам юз бери-ши мумкин эди, бироқ юз берма-ди. Бунинг учун у киши. Яратганга шукроналар айтиб, сабабларини изоҳлайди. Тўхтабой аканинг фик-рича, ҳар сафар юрт тинчлиги ва осойишталигига ҳавф туғулган пай-тда Юртбошимиз метин иродаси-ни, қатъиятини намоён этади. Бу, аввало, Ватан ва миллат тақдирини ҳар қандай ҳис-туйғудан устун қўйган раҳбарнинг, ўзини муста-қилликка бахшида этган инсоннинг фракциялари вакиллари сўзга чиқадилар. Маз-кур хўжжати тақомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. (ЎЗА)

Афғонистон парламент делегацияси Ўзбекистонда

Афғонистон Ислам Республикаси Парламенти Сенатининг Раиси Себ-гатулла Мўжадеддий раҳбарлигида-ги делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сена-ти Раиси Илгизар Собиров билан уч-рашди.

Суҳбат чоғида ўзаро алоқалар из-чил ривожланиб бораётгани, бунда икки мамлакат раҳбарларининг уч-рашуварлида эришилган келишувлар асосий омили бўлиб хизмат қилаёт-гани таъкидланди.

Жамиятда демократия тамойил-ларини мустаҳкамлашга, ҳаётнинг барча соҳаларини эркинлаштириш-да парламент фаолияти муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистоннинг икки палатали парламент тизими-га ўтгани ҳокимият органларини янги давр шароитига мослашти-риш, демократиянинг умумэти-роф этилган тамойилларига муво-фиқ равишда тақомиллаштириш ва ҳуқуқий давлат қуриш йўлидаги дадил қадам бўлди.

Меҳмон афғон парламентарийла-ри Ўзбекистондаги парламент изо-ҳотларини, янгиланиш ва ўзгариш-ларни катта қизиқиш билан кузатиб келаяптганини, бу борада ўрганиш ке-рак бўлган жиҳатлари кўп эканини таъкидлади. Томонлар ўзаро муло-

қотлар изчиллигини таъминлашга кел-либ олдилар.

Афғонистонда узоқ йиллик фуқаро-лар уруши туфайли барча соҳа-ларда инфратузилма бутунлай издан чиққан эди. Айни пайтда мамлакат ҳалқаро ҳамжамият, жумладан, Ўзбе-кистон кўмаги билан тикланиш йўли-дан бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спи-керки Эркин Халилов билан мулоқот-да ҳам икки мамлакат олий қонун чиқарувчи органлари ўртасидаги ало-қаларни янада кенгайтириш ва фа-оллаштириш борасида фикр алма-шилди.

— Икки палатали парламент тизи-ми Ўзбекистоннинг ҳалқаро майдон-да ортб бораётган нуфузини, юр-тингизда амалга оширилаётган изо-ҳотларнинг ҳалқаро андоза ва та-лабларга нечоғли ҳамоҳанг эканини яна бир намоён қилди, — деди СМўжадеддий.

Учрашувда парламентарларо му-носабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболлари юзасидан атрафлик фикр алмашилди. Делегация аъзола-ри Ўзбекистоннинг янги парламент тизими фаолияти билан яқиндан та-нишдилар. (ЎЗА)

Фракция йиғилиши Қонун лойиҳалари муҳокама қилинди

Музаффар АБДУШУКУРОВ,
«Адолат» мухбири

Яқинда Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси «Адолат» СДП фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди. Уни фракция раҳ-бари Дилором Тошмухамедова бош-қарди.

Йиғилишда фракция аъзолари Парламент кўйи палатаси яппи мажлиси муҳокамасига киритилаётган «Ўзбеки-стон Республикаси тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси юзасидан фикр алмашилди.

— Тиббиёт ходимларининг ўз вазифа-сига бўлган масъулиятини ошириш ва уларни қўллаб-қувватлаш борасида мам-лакат миқосида жуда катта амалий иш-лар қилинмоқда, — деди йиғилишда сўзга чиққан депутат Зухра Ботирова. — 2006 йилнинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилиниши бунинг ёрқин ис-ботидир. Ушбу қонун лойиҳасида ноябр-нинг иккинчи яқшанбаси «Тиббиёт хо-димлари кунини» қасб байрами деб бел-гиланган. Бу эса ҳукуматимиз томонидан шифокорларга нисбатан катта ғамхўрликнинг нишонисидир.

Шунингдек, йиғилиш қатнашчилари Президентимиз-нинг «Ҳомийлар ва шифокорлар йили дастури тўғриси-да»ги қарорининг 3-бандига мувофиқ қасб байрами — «Тиббиёт ходимлари кунини» таъсис этилиши аниқ кўрсатиб ўтилганлиги борасида тўхталиб ўтилди.

Шундан сўнг, «Озон қатлами» бузувчи моддаларга доир Монреаль Протоколига киритилган тузатишни (Мон-реаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратификация қилиш тўғри-сида»ги ҳамда «Озон қатлами бузувчи моддаларга



Фракция йиғилиши

доир Монреаль Протоколига киритилган тузатишни (Пе-кин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғриси-да»ги қонун лойиҳалари хусусида Халқаро ишлар ва парламентарларо алоқалар қўмитасининг аъзоси Гули-стон Аннақиличева сўз юритди.

— Ушбу Қонуннинг қабул қилиниши мамлакатимиз-нинг ўз олдига қўйган экология соҳасидаги халқаро мажбуриятларни изчил бажараётганининг ёрқин да-лилидир — деди нотиқ, ўз сўзида. — Бу озон емурвчи моддаларни бартараф эта оладиган янги технологиялар-ни жорий қилишимизга имконият яратади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик Палатасида

20-22 июнь кунлари Ўзбекистон Респу-бликаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

«Озон қатлами бузувчи моддаларга доир Монреаль протоколига киритилган тузатишни (Монреаль, 1997 йил 17 сентябрь) ратифика-ция қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Озон қатла-ми бузувчи моддаларга доир Монреаль про-токолига киритилган тузатишни (Пекин, 1999 йил 3 декабрь) ратификация қилиш тўғриси-да»ги қонунлар лойиҳаларини депутатларга Халқаро ишлар ва парламентарларо алоқалар қўмитасининг аъзоси Г. Аннақиличева тақдим қилди. Савол-жавоблар ва барча сийсий партия-лар фракциялари вакиллари иштирокида бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчи-лик палатаси мазкур қонунларни қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масала-лари қўмитаси раиси Н.Исмоиловнинг маъруза-си бўйича Қонунчилик палатаси томонидан 2006 йил 31 январда қабул қилинган ва Олий Мажли-си Сена-ти томонидан 2006 йил 9 июнда рад этил-ган «Қонун лойиҳаларини тайёрлаш ва Ўзбеки-

стон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчи-лик палатасига киритиш тартиби тўғрисида»ги Қонун бўйича келишмовчиликларни бартараф қилиш учун келишув комиссияси ташкил қилинган. Муҳо-камадан кейин комиссия таркибига Қонунчилик палатасининг уч нафар депутатини сайлаш ва келишув тартиб-таомилларида қатнашиш учун Ўзбекистон Республикаси Вази-рлар Маҳкамаси-нинг вакилини тақлиф этишга қарор қилинди.

Муҳокамага ўқинчи ўқишда киритилган «Фирма номи тўғрисида»ги ва «Фирма но-ми тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қону-ни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳуж-жатларига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонунлар лойиҳалари тўғрисида Саноат, қури-лиш ва савдо масалалари қўмитасининг аъзоси К.Жумамуртова ахборот берди. Савол-жавоб-лар ва муҳокамадан кейин қонунлар Қону-нчи-лик палатаси томонидан қабул қилинди.

Депутатларнинг қўриб чиқиши учун иккинчи ўқишда тақдим этилган «Микромолиялаш тўғри-сида»ги ҳамда «Микрокредит ташкилотлари

тўғрисида»ги қонунлар лойиҳаларини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъ-зоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Барча сийсий партиялар фракциялари вакиллари иштирок этган моддама-модда муҳокама вақтида қўриб чиқилаётган қонун лойиҳалари мамлакатда иқтисодий ислохотларни янада чуқурлашти-риш, тадбиркорликни ривожлантириш учун алоҳида аҳамиятга молик эканлиги таъкидлан-ди. Депутатларнинг ҳужжатларни тақомиллаш-тиришга қаратилган барча тақлифлари батаф-сил қўриб чиқилди. Киритилган тақлифлар ва билдирилган мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда «Микромолиялаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди, «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонун лойиҳасини Қонунчилик палатаси иккинчи ўқишда қабул қилди.

Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси-нинг аъзоси Ж.Низованин маърузаси бўйича Қонунчилик палатаси «Ўзбекистон Респу-бликаси Тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди. Депутатлар ўз қишлоқларида ушбу қонуннинг

қабул қилиниши жамиятимизда тиббиёт хо-димларининг мақоми ва ролини ошириш, Ўзбе-кистон Республикаси Президенти томонидан тақдирланган «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» Дастурига амалда муваффақиятли рўй-б-га чиқариш учун муҳим аҳамият қасб этиши-ни таъкидлашди. Бўлиб ўтган муҳокамадан кейин Қонунчилик палатаси мазкур Қонунни қабул қилди.

Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўми-тасининг аъзоси А.Абдуназаров «Хавфли иш-лаб чиқариш объектларининг саноат хавф-сизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ик-кинчи ўқишда муҳокамага тақдим этди. Қонун лойиҳасининг бўлиб ўтган моддама-модда муҳокамаси чоғида барча сийсий партиялар фракциялари вакиллари сўзга чиқадилар. Маз-кур хўжжати тақомиллаштиришга қаратилган тақлифлар ва мулоҳазалар ҳисобга олинган ҳолда «Хавфли ишлаб чиқариш объектларининг саноат хавфсизлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда қабул қилинди. (ЎЗА)

2006 йил

Қадрият

Қарор ва ижро

Партия кўзгуси

Эл даъват ва бардавом анъаналар

Ахборот-кутубхоналар — давр талаби

Сенаторнинг маҳаллага ташрифи

УЛОВ,
улбикаси
урдаги

Жонқуяр, фидойи шайхат қурилиши
имом эл ардоғида бўлиб қолди

Улар орасида ўз касб байида шаклланган, ҳалол меҳнати тўфан авлодларга бебаҳо мебор қозонганларига етиб келган анъана-бири врач-кардиологнинг энг яхши фазилини, бой ҳаётий тажрибасини

Шифокор ўзида мужассам этган. Халқоқиши, аввалдан анъаналар одоб-ахлоқ, йимонкутиб турғатқанд, инсоф, инсонпарварлик, затса, кейёхр-муруват, саховат, адолат, батлаш ҳалоллик, биродарлик, ватанпарвар-буларқ

каса
Хаг
М

устозларни ҳурмат қилишга, ўтганлар хотирасини эъзозлашга ундайди. Зеро, истиқлол йиллари шуру даврида таъқиқланган миллий қадриятларни тиклаш йўлида олиб борилган кенг-қўламли фаолият давомида куйидаги гоёат муҳим ишлар амалга оширилди:

— ўзбек тилига давлат тили мақоми берилди, тарихимиз тақлиби, теран ва ҳар томонлама урганила бошланди;

— жаҳон адабиёти, илму фани, маданияти раванқига муносиб ҳисса қўшган аждодларимиз Заҳририддин Муҳаммад Бобур, Феруз, Баҳовуддин Нақшбанд, Абдуҳалиқ Гиждунвий, Мирзо Улугбек, Нажмиддин Кубро, Амир Темур, Имом ал-Бухорий, Аҳмад Фароний, Жалолиддин Мангуберди, Камолиддин Бехзод, Марғинович, Мотуриддий ва Гиждунвий каби буюк аждодларимизнинг таваллуд саналари халқро микёсда нишонланди;

— диний қадриятларни тиклаш ва йўлида қўллаб эски масжид ва мадрасалар тасмирланди, янгилари барналар барнаминзи озодликни қадрлашга, Ватанин севишга, ота-она ва

яратилди;

— халқимизнинг қўлғу айёмлари — Наврўз, Рўза ҳайит ва Қурбон ҳайитларининг тикланиши, Ватанимизда «Тошкент кино фестиваллари», «Шарқ тароналари», «Симфония мусика фестивали», «Наврўз», «Шарқ ва Ғарб» сингари халқро маданият анжуманларининг ўтказиб келинаётган умуминсоний қадриятларга уйғунлашдида яхши натижалар бераётди.

Маънавий меросимиз сарчашмалари бўлиши урф-одатлар, маросимлар, байрамларнинг ривож топиши миллий тараққиётнинг гаровидир. Шу нуқтаи назардан, аввало, жойларда байрам, маросимларни ўтказишда халқ ташаббускорлиги ва фаоллигини ошириш даркор. Бунинг учун жойларда Халқ анъаналарини сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш жамоатчилик кенгаши тузилса мақсадга мувофиқ бўларди. Шу билан бирга, доимий тарзда миллий анъаналарни сақлаш, тиклаш ва ривожлантириш муаммоларига оид суҳбат, илмий-амалий анжуман ва йиғинлар ўтказиб туриш, қўриқ-танловлар ташкил этиш лозим.

Т. БЕКНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири

Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 20 июнда қабул қилган «Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорида халқимизнинг маънавий эҳтиёжи — китоб-булган талабини қондиришга доир муҳим вазифалар белгилаб берилди.

— Ахборот ҳажми тобора ортиб бораётган ҳозирги замонда барча янги китобларни кутубхоналарга тўплаб бўлмайди, — деди Жиззах вилоят универсал кутубхонаси директори Сайфилла Иброҳимов. — Аммо, бу ишни, Президентимиз қарорида белгилаб берилганидек, кутубхоналар ишсини замонавий электрон ахборот тизимига ўтказиш орқали амалга ошириш мумкин.

Кейинги йилларда вилоятда кутубхоналар фаолиятини яхшилашга катта эътибор берилмоқда. Ҳозир 263 кутубхонада 1,5 миллион нусхадан

зиёд китоб фонди мавжуд. Шу йилнинг ўзида икки мингга яқин китоб келтирилди. Вилоят универсал кутубхонасини биноси ўтган йили қайта таъмирланиб, янгича қиёфа касб этди. Китобхоналарга хизмат кўрсатиш тўла компьютерлаштирилди. Ахборот-ресурс маркази ташкил этилди. Эндиликда ушбу марказнинг интернет тармоғи орқали дунёнинг исталган мамлакатдаги кутубхонага аъзо бўлиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг номи зикр этилган қарорига асосан ахборот-ресурс марказлари фаолиятини янада такомиллаштирилиб, Республика Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, ОУМТВнинг ўрта махсус касб-хунар таълими маркази, Халқ таълими вазирлиги тасарруфига ўтказилиши, электрон ахборот ресурслари ташкил этилиши аҳолининг, айниқса, ёшларнинг илмий-адабий ва бошқа маънавийдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиради.

А. САФАРЛИЕВ

Олий Мажлис Сенати аъзоси, Андижон Давлат тиббиёт институти ректори, профессор Мамазоир Хўжабердиев Булоқбоши туманидаги Найман қишлоқ фуқаролар йиғини ахли билан учрашув ўтказди. Туман ҳокими Маъруфжон Раҳимов ҳамроҳлигида ўтган ушбу учрашув найманликларда зўр қизиқиш уйғотди.

Сенатор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг «Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг масъулачилари сайлови тўғрисида»ги қарори асосида амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишди. Айтиш жоизки, бу ерда ўтказилаётган маҳалла оқсоқоллари сайловлари Сенаторда илқ таассурот қолдирди.

— Қишлоғимизда 6 та маҳалла фуқаролар йиғини бор, — деди йиғилишда сўзга чиққан қишлоқ фуқаролар йиғини раиси, туман Кенгаши депутати Абдуқаҳҳор Ҳамроқулов. — Биз туман ҳокимлиги ва халқ депутатлари туман Кенгаши ёрдамида сайловларни очик-ойдин ўтказилмоқда.

Дарҳақиқат, Найман МФЙ раиси Хусанбой Чўлпонов сайловда голиб чиқди. У ўз вазифасига қайта сайланди. Охунбобоев МФЙда кўпчиликнинг ҳоҳиш-иродаси бўйича янги

оқсоқол сайланди. Кўп йиллар шу ердаги қишлоқ мактабда ўқувчи бўлиб ишлаган Келсинбой Рустамов юртдошлари ишончига сазовор бўлди.

Шу кунги М.Хўжабердиев тумандаги 19-мактаб ҳаёти билан ҳам яқиндан танишди. Таълим қирғиз ва ўзбек тилларида амалга оширилаётган маънавий таълим масканидида шарт-шароитлар барчага маъқул келди. Ўз навбатида зиё масканидида тантанали маросим уюштирилди. Унда бир неча йилгит-қиз Ўзбекистон Адолат СДПга аъзоликка қабул қилинди. Тантанали маросимда Сенатор мамлакатимизда муҳтарам Президентимизнинг раҳномалигида оқилона ички ва ташқи сиёсат олиб борилаётгани, қонунчиликдаги ижодий изланишлар тўғрисида атрафлича сўзлаб берди.

Пироваддида М.Хўжабердиев ташаббус билан «Пахтаобод» ҚВПга Андижон Давлат тиббиёт институти томонидан тиббий жиҳоз ва дори-дорушхоналар олиб келиниши, кам таъминланган оилаларнинг 12 нафар фарзанди эса «Шифокор» оромгоҳида ёзги таътил кунларини бепул ўтказадиган бўлди.

Фуқаролар йиғинларида сайлов

Тенг ҳуқуқлилик — асосий мезон

Юксак марраларни кўзлаб

Ташкилий масала кўрилди

Кўқоннинг янги стадиони

Саодат ЖАББОРОВА, «Адолат» мухбири

Маҳалла деганда одамлари ахил ва иноқ обод бир гўша, юз-кўзидан нур ёғилиб туровчи отахону онахонлар, бир-бирини ҳам маънан, ҳам моддий қўллаб-қувватловчи меҳр-оқибатли кўни-қўшилар кўз олдимизда намоён бўлади. Ҳатто тараққий топган мамлакатларда ҳам мавжуд бўлмаган мазкур тизим ҳозирги кунда ўзини ўзи бошқариш органи деб юритилаётди.



Олимжон номли 2-фуқаролар йиғини раиси Дилбар Хўжаева. — Чунки фуқароларимиз сайловда фаол иштирок этишди. Айниқса, улар ўз тақлифларини беришгани кишини хурсанд қилди. Юртбошимизнинг «...маҳаллани ўзини ўзи бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дархонаси деб аташ мумкин» деган сўзлари нақадар тўғри эканига яна бир бор ишонч ҳосил қилдим.

Албатта, ўзини ўзи бошқариш органи фаолиятини ташкил этиш, маҳалла ободлиги, тинчлиги ва осойишталигини таъминлашда фуқаролар йиғини раиси ҳамда унинг ёрдамчиларининг хизмати катта. Мажозий айтганда, оқсоқол маҳалла «мувозанат»ини бир маромда сақловчи шахсдир. Айнан ким раис бўлишини эса фуқароларнинг ўзи ҳал қилади.

Шу кунларда мамлакатимизда маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг масъулачилари сайлови бўлиб ўтмоқда. Ҳозиргача ақсарият фуқаролар йиғинларида мазкур тадбир муваффақиятли якунланди, кўпчилик оқсоқоллар ва уларнинг масъулачилари сайлаб бўлинди.

Бу йилги сайловнинг ўзида хос хусусиятларидан бири — уни ташкил этиш ҳамда ўтказишда фуқаролар йиғинларига қўмақлашувчи, зарур ҳолларда уларни бино, транспорт ва алоқа воситалари билан таъминлаш вазифаси давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органи зиммасига юклатилди. Уларга қўмақлашувчи комиссиялар тузилди. Сайловларни қонунга мувофиқ ташкил этиш ва ошқоралик руҳида ўтказиш эса маҳалла институтининг маъқеани кўтариш, уни жамият ҳаётидаги тугган ўрнини мустаҳкамлашга ижобий таъсир кўрсатади.

— Сайлов шахсан мен учун синовларга бой бўлди, — дейди пойтахтимизнинг Мирзо Улугбек тумани Ҳамид

Мухторжон ҚОДИРОВ,
Қўрғонтепа тумани ҳокимининг биринчи ўринбосари

Қўрғонтепа йилдан йилга иқтисодий салоҳияти ошиб бораётган туманлардан бири саналади.

Ҳозирги кунда туманимизда 162 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилади. Аҳолининг асосий даромад манбаи қишлоқ ҳўжалигидан. Жорий йилда 10465 гектар майдонга пахта экилди. Унинг 4500 гектари янги технология асосида парвариш қилинган. 2 минг гектарга «Оққўрғон-2», қолган майдонларга «С-6524» навлари экилди. 1022 нафар фермеримиз қишлоқ ҳўжалиги маҳсулларининг салмоқли улушини етиштирмоқда. Ҳозиргача истиқболсиз деб топилган, зарар кўриб ишлаган 11 та ширкат фермер ҳўжалиқларига айлантирилган бўлса, йил якунида қолган 5 та ширкат ҳўжалиги ҳам фермер ҳўжалиқларига айлантирилиши кўзда тутилмоқда.

Айни кунларда 7905 гектар ердаги галлазорда урим-йиғим ишлари авждида. Ҳосил чўгидан қўнғил тўқ. Айтганча туманда Бодорчиликка ихтисослашган агрофирма ташкил қилган. Агрофирма Россия давлатидаги субъектлар билан истиқболли шартномалар тузган. Бу ерда асосан фермерларга хизмат кўрсатиш, маҳсулотларни четга чиқариш, барча зарур эҳтиёжлар таъминоти маркази сифатида иш юритилмоқда.

Саноат маҳсулотлари турини кўпайтириш иқтисодий янада мустаҳкамлашни кўрғонтепалликлар ўзлари қўлига олиб беришди. Илнинг биринчи чорағида туманда 8 миллиард 932

миллион сўмликдан зиёд саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилди. Бу маҳсулотларнинг ярмидан кўпроғи халқ истеъмоли молларидир. «Само» ва «Ёрқин» хиссадорлик жамиятлари негизда «Само Ёр текстиль» кўшма корхонаси ташкил этилиши ва замонавий техникалар билан қайта жиҳозлаш ҳисобига 500 та иш ўрни яратилиш кўзда тутилмоқда. «Эл-жиҳоз сервис» МЧЖда «ЎзДЭУавто» кўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомобилларга 8 хилдаги эҳтиёт қисмлар тайёрлаб берилмоқда.

Туманимизда жорий йилнинг биринчи чорағида экспорт ҳажми 50 миң АҚШ доллари миқдорда бўлди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш мақсадида йил бошидан шу кунга қадар 1415 та корхона давлат рўйхатидан ўтказилди. Бунинг натижасида туманда 1170 киши иш билан таъминланди. Айниқса, «Қорасув пайпоқ тўқиш», «Ан-Нур» хиссадорлик жамиятлари, «Қўрғонтепа ДОНС» кўп тармоқли хусусий корхонаси, «Дилхамрозбек-СД» хусусий фирмаси томонидан аҳолини иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганлигини эътироф этиш лозим.

Истиқболнинг 15 йиллик тўйини туманимиз ахли ўзгача бир қўтаринки кайфиятда, катта меҳнат совгалари билан қўлиб олиш ниятида, юксак марраларни кўзлаб астойдил ҳаракат қилаётганлар. Иши билан сўзи бир бўлган танти, мард тумандошларимиз бор экан асло юкмиз ерда қўймайди ва албатта қўзлаган мақсадларимизга сўзсиз эришамиз.

Д. РАҲМАТОВ

Ўзбекистон «Адолат» СДП Оққўрғон туман Кенгашининг навбатдан ташқари пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман Кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган И.Шошқоқов ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди. Туман Марказий шифохонасида бош гинеколог вазифасида ишлаб келаётган Дилором Тастанова Кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда туман ҳокимлиги ташкилий бўлими мудири Алишер Муҳаммадулов, Марказий шифохона бош шифокори Умарали Эргашев ва бошқалар сўзга чиқиб, туман партия ташкилоти кейинги пайларда мамлакат пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Туман Кенгаши биринчи котиби бўлиб ишлаб келаётган И.Шошқоқов ўз аризасига биноан вазифасидан озод қилинди. Туман Марказий шифохонасида бош гинеколог вазифасида ишлаб келаётган Дилором Тастанова Кенгашнинг биринчи котиби этиб сайланди.

М. СУЛАЙМОНОВ,
ЎЗА мухбири

Истиқлолимизнинг 15 йиллик байрами арафасида юртимизнинг барча жойларида бўлгани каби Фарғона вилоятида ҳам шаҳар ва қишлоқларни ободонлаштириш, инфратузилмаларни такомиллаштириш, янги бино ва иншоотлар қуриш борасидаги ишлар янада жадаллашмоқда.

Қўқон шаҳрида қад ростлаётган Хусанхон Мухиддинов номидаги марказий стадионда ҳам иш қўзғинди. Қўқон механизациялашган кўчма Колонна-си қурувчилари билан бир сафда меҳнат қилаётган «Қурувчи» масъулияти чекланган жамияти, «Саноатмонтаж» ва «Ўзур» қурилиш корхоналари ишчилари иншоотни ўз вақтида, сифатли қуриб битказишга бел боғлаган.

— Ун минг ўрнини мазкур стадион жаҳон андозасига тўла жавоб берадиган лойиҳа асосида барпо этилмоқда, — дейди шаҳар бош меъмори Назрулла Аҳмедов. — Конференция ва спорт зали, дам олиш хонаси, меҳмонхона ва тиббиёт хоналари спортчилар хизматида бўлади.

Атрофда кенг қўламда ободонлаштириш ишлари амалга оширилаётган стадионнинг ташқи ва ички қурилишида замонавий меъморилик услуби ва анъаналари ўз инъикосини топади.

Қишлоқ ҳўжалиги

Рисоладагидек келишув

пиллачиликда хомашё етиштирувчи ва харидор ўртасида воситачисиз тўғридан тўғри шартнома тузишда самара бермоқда



Пойтахтимизнинг дарвозаси бўлмиш «Тошкент» темир йўл вокзали бугунги кунда янгича қиёфа касб этган. Шаҳримизга келган меҳмонлар учун бу ерда барча шароитлар муҳайё. Айниқса, меҳмонларга сифатли хизмат кўрсатиш вокзал ходимларининг асосий вазифасига айланган.

З. ТўРАҚУЛОВ,
«Адолат» мухбири

Қишлоқ ҳўжалигида пиллачиликдек серташвиш ишининг ўзи йўқ, Мавсум қисқа вақт давом этса-да, катта жисмоний куч ва иродани талаб этади. Шу босим граммлардан тонналаб хирмон яратадиган пиллакор меҳнати ҳар қандай рағбат сўйловга муносиб.

«Хўжум» пиллакашлик фабрикаси Самарқанд вилоятида ҳар йили етиштирилаётган хомашёнинг каттагина қисминини қабул қилиб, қайта ишлашга ихтисослашган корхоналардан бири. Жамоа илгари хомашёни туманларда жойлашган пиллачилик идоралари билан тузилган шартнома асосида қабул қилиб оларди. Бир йўла бир неча буюртмачи билан шартнома боғлайдиган мазкур воситачи идоралари эса қўнича келишув шартларини удаллай олмай фабрикани танг ахволга солиб қўйган пайлар ҳам бўлиб турардики, вазиятдан чиқиб ҳар сафар ортиқча харажатларни талаб этарди. Корхона раҳбарлари бундан тегишли ҳулоса чиқариб бу йил янгича иш туттиди. Фабрикага олиб келинадиган хомашё учун шартномалар ҳеч қандай воситачисиз, фермерларнинг ўзлари билан

тузиб қўйилди. Шунга мувофиқ фермер ҳўжалиқлари таркибидидаги пиллачилик звеноларига олдиндан аванс пуллари тарқатилди.

— Бундай келишув ўзини тўла оқлади, деб бемалол айтиш мумкин, — дейди корхона бош муҳандиси Фахриддин Қурбонов. — Биргина Тайлоқ тумани фермер ҳўжалиқларидан 111 тонна юқори сифатли пилла хомашёсини фабрикага пешманеш ташиб олди. Пиллакорларнинг меҳнат ҳақини эса тарозининг бошида санаб бердик.

Ҳақиқатан ҳам ҳаммаси рисоладагидек ҳосил саватларда фабрикага кетмоқда, пули дехкон чўнтағига қараяпти. Бозор шароитида узаро манфаатдорлик эса кўп нарсага қодир. Ҳолбуки, туманларда жойлашган пиллачилик идораларининг бу йилда воситачилиги, таъкидланганидек, кўпдан-кўп гирромлиғи чалқашликларга сабаб бўлаётгани сир эмас эди. Энди эса бундай ҳолларга қатъиян чек қўйилди. Самарқанд вилоят ҳокимининг қарорига асосан барча тоифадаги ҳўжалиқларда етиштирилган пилла хосили вилоятнинг ўзида қайта ишланади. Бу миллионлаб сўм қўшимча даромаддан этикилаб келиши, юзлаб иш ўринларини яратиб сир эмас.

Ҳозир вилоятда пилла хомашёсини қайта ишлайдиган «Хўжум», «Мароқанд», «Филк», «Жилон малика», «Каттакўрғон кумуш толаси» сингари йирик корхоналар ишлаб турибди. Улар билан мавсумда 2250 тонна хомашё етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Эътиборлиси шунки, ана шу шартномаларнинг бир қисми фермерлар билан тузилган. Каттакўрғон, Иштихон, Пайарик, Оқдарё, Пастдарғом туманлари «қумуш тала» иждоқорлари келишувга амал қилиб, ҳар йилгидан мўл ва сифатли пилла етиштириб вилоят хирмонига салмоқли улуш қўшилар.

Шу ўринда вилоятда фаолият юритяётган қўшма корхоналар пиллачиликка истиқболли соҳа сифатида қараб ўз сармояларини киритяётганлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Масалан, «Самарқанд-Сингапур» хорижий корхонаси бу ишга аллақачон миллионлаб сўм маблағ ажратди. Мақсад ипак хомашёсини шу ернинг ўзида қайта ишлаб, ундан бозор талабига мос бежирим шойи газламалар тайёрлашдан иборат. Демак, пиллачиликнинг вилоят иқтисодиётидаги нуфузи, экспорт салоҳияти янада ортади.

Ҳаракат хавфсизлиги

Масъулияти катта вазифа

Тулкин ТЕМИРОВ, «Адолат» мухбири

Шаҳар ва қишлоқ кўчаларида гизиллаб ў еқдан бу ёққа қатнаётган турли русумдаги енгил автомобиллар баъзан кўнғилсиз воқеаларга ҳам сабаб бўларкан. Пойтахтдан тортиб чекка қишлоқларнинг кўчаларига чек ва раван йўлларда автохалокатлар содир бўлиб тургани киши кўнғилли бироз ранжитади.

— Йўл ҳаракати хавфсизлигининг олдинчи омили, йўлларда турли катта-кичик автохалокатларга йўл қўймастик ун, энг аввало ҳайдовчиларимиз ҳўшёр бўлишлари керак, — дейди Сурхондарё вилоят Ички ишлар бошқармаси йўл-патрул хизмати 3-сафарбарлик гуруҳи катта инспектори Акбар Мамашаев. — Шунингдек, автоуловнинг техник созлиги, ҳайдовчининг йўл ҳаракати қоидаларига амал қилиши ҳам ҳар хил нохушлиқларнинг олдини олади.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, автоха-

локатларга асосан ҳайдовчиларнинг машинага спиртли ичимликлар истеъмол қилган ҳолда ўтиришлари ва автоуловларнинг техник носозлиги сабаб бўлаяпти. Шунинг учун ҳам бу борада муайян чора-тадбирларни амалга оширялгимиз. Автоуловларни ўз вақтида сифатли техник кўриқдан ўтказиш, ҳайдовчилар ўртасида кенг тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бориш.

Шу ўринда яна бир ҳолатга эътибор қаратиш лозим. Ҳукуматимиз томонидан шахсий автоулови бор фуқароларга бир қатор имтиёзлар яратиб берилган. Жумладан, ўз шахсий машинасига эга бўлган фуқаро тегишли тартибда рўйхатдан ўтиб, лицензия ва патент олиб, фуқароларга хизмат кўрсатиши керак. Лекин минг афсуски, кўпчилик юртдошларимиз бу имтиёзнинг нотўғри талқин қилишиб, лицензия ва патент олмадан киракашлик қилишга ҳаракат қилишади. Шунингдек, ўз шахсий автоуловларини ўзга шахсларга ижарага бериб, ноқонуний бойлик орттириш пайига тушган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Бу эса кўп ҳолларда турли нохуш оқибатларга олиб келади.

Масалан, кеча автоулов бошқариш ҳўқуқини берувчи гувоҳнома олиб, ҳали машина бошқаришда муайян тажрибага ҳамда ўз шахсий автоуловга эга бўлмаган айрим фуқаролар ҳам осон пул топиш илғинида ижарага машина оладилар. Одатда бундай фуқаролар ҳам ижара пулини чиқариш ҳам ўз енларига кўпроқ фойда қилиш мақсадида ун-ун икки соатлаб машинани бошқарадилар. Мазлумки, ҳар қандай ҳайдовчи ҳам белгиланган муддатда машинани бошқаргач, маълум вақт ҳордиқ чиқариши керак. Ижарачиларда эса бундай имконият бўлмайди. Оқибатда турли нохуш воқеалар келиб чиқishi мумкин.

Дарҳақиқат, суҳбатдошимизнинг гапларида жон бор. Йўл ҳаракати хавфсизлигига риоя қилинмаслиги оқибатида зўр берадиган автохалокатларнинг асосий қисми, шубҳасиз, транспорт ҳайдаш меъёрига амал қилмаган, спиртли ичимликлар ичган ҳолда содир этилади. Шундай экан, азиз юртдошлар, унингизда кутаётган фарзандларингизнинг қамолини, эртасини ўйласангиз, йўл қоидаси талабларига қатъиян эътибор беринг!

Семинар-тренинг

Тошкент вилояти ҳокимлиги, Матбуот ва ахборот бошқармаси, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, «Мавънавият ва маърифат» маркази, Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси...

— Хозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ташкилий қўмиталари «Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонунга ўзгаришлар киритиш ва қўшимчалар киритиш, янги қонунлар қабул қилиш устида иш олиб бормоқда...

— Президентимиз журналистлар учун қўллина имкониятлар яратди — деди сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси раиси Хуршид Дўстмухаммад...

Муниса НУРМАТОВА

Огоҳлик

Маърифат ҳамisha ғолиб

Фироз АКОБИРОВ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги давлат ва жамият қўлини академиясининг тинловчиси

Истиқлол шарофати билан тилимиз, динимиз, юртимиз тобеликдан, таъқиддан халос бўлди, миллий қадриятларимиз тикланди. Мана, 15 йилдирки мустақил Ўзбекистон ўзига хос ва мос йўлдан бормоқда, юртимиз тинч, элимиз осойишта...

Диний экстремизм ана шу сиёсатнинг бир куралидир. Динни ниҳоят қилиб олиб, ҳокимиятга интилаган жоҳил, мутаассиб кимсалар ўзларнинг бировлар қўлида қўйиб қўйиб эканлигини англаб етмайди...

Мамлакатимизнинг табиий бойликлари, қулай иқлими Марказий Осиёдаги жуғрофий ўрни юртимиз ҳамда минтақа давлатларининг ўз таъсирида бўлишини истовчиларни тинч қилмаётганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам улар бизга дин деб экстремизмни, демократия деб бошбошдоқликни тикиштиришга уринишаётир...

Диний экстремистик ташкилотлар жуда катта молиявий маблағга эга. Форс кўрғаси давлатлари, Канада, Буюк Британия, Голландия каби давлатларда уларнинг қўллаб-қўлланари, шабқатлари мавжуд...

Айрим Европа давлатлари, айниқсан, Буюк Британия ўзини гўё терроризмга қарши қилиб қўрқатади-ю, амалда мутаассибларнинг тегириги мана шундай. Бундан қўлланари мидқори 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этган.

лардан бошқа мусулмон давлатларига босим ўтказишда қурол сифатида фойдаланишди. Чунки, ваҳбийлик йўналишидаги қўллаб-қўлланари шабқатлари Лондонда жойлашган. Интернетдаги радикал исломий ва жиҳодда қорловчи сайтларнинг аксарияти шу давлат ҳудудидан туриб қўллаб-қўлланади.

Диний экстремизм вабосига қарши курашда бошқа қоралар билан бир қаторда қўлидаги ишлар амалга оширилиши мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Испомнинг бунёдкорлик салоҳияти ва маънавий-ахлоқий қадриятларини, Куръоннинг инсонпарварлик ғояларини очиқ беришга қаратилган ташвиқот ишларини қўлайитириш, диний-маърифий мавзуларни оммавий ахборот воситаларида, шу жумладан, телевидениеда ҳам кенг қўйиб бериш зарур. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, «Ғоёга қарши фақат ғоё, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳслашиш, олишиш мумкин».

Жаҳон парламенти: Испания

Депутатлар конгресси аъзолари 300-400 нафар атрофида бўлади

Қирол фракцияни эшитади

Саодат тайёрлади

Испания — 42 миллионга яқин аҳоли ва 504788 минг км² катталиқдаги ҳудудга эга. Мамлакат Парламенти (Бош Кортес) фаолияти ўзқўтмишга бориб тақалади. Конституцияга мувофиқ, Бош Кортес қонун чиқаради, миллий бюджет лойиҳасини қабул қилади, ҳукумат фаолиятини назорат қилади.

Ҳокимият органи ҳисобланган Сенат 252 нафар аъзодан ташкил топган. У умумхалқ сайлови асосида шакллантирилади, ҳар бир провинциядан тўртта сенатор сайланади. Испанияда ҳар бир оролнинг ўзиде алоҳида сайлов округи мавжуд бўлиб, сенатор сайлашида уларнинг овози катта аҳамиятга эга.

Таъкидлаш лозимки, Депутатлар Конгресси Сенатга нисбатан кўпроқ ваколатга эга. Унинг фаолиятини Президиум бошқаради. Президиум таркибиде эса тегишли палаталар раислари, уринбо-сарлари ва қотиб-лари мавжуд бўлади. Конгрессда тўрт нафар уринбо-сар фаолият юритса, Сенатда эса икки нафар.

Испания парламенти палаталарида «вакиллар бирлиги» деб аталувчи орган мавжуд. Унинг асосий вазифаси мажлисларнинг қўндалик масалалари ва иш тартибини белгилашдан иборат. Палаталар раислари бошчилигида яна бир махсус орган — қўпи билан 21 нафар аъзодан иборат бўладиган депутатларнинг мунтазам комиссияси бор. Унинг асосий вазифаси сессиялар орасидаги та-наффус пайтда палаталарнинг мунтазам ишларини таъминлашдан иборат. Палаталарда мунтазам, муваққат ва текширув комиссиялар фаолият юритади. Конгрессда 14 та, Сенатда эса 13 та мунтазам комиссия ишлайди. Палаталар қўша комиссия тузишга ҳам ҳақли.

Парламент аъзолари палаталарда партиялар фракцияларини ташкил этишади. Депутатлар Конгрессидаги мазкур бўлимда 15 нафардан ортиқ, Сенатда эса 10 нафар аъзо бўлиши шарт. Ҳукумат раислигига номзод тақдир этишда қирол Бош Кортесдаги барча фракцияларнинг маънавиятига таянади.

Депутатлар ҳам, сенаторлар ҳам дахлсизлик ҳуқуқига эга. Мамлакат Конституциясига биноан, бирон палата аъзоси бир пайтнинг ўзиде икки палатада фаолият юритиши, шунингдек юқори лавозимда ишлаши мумкин эмас.

Хориж хабарлари

Ҳарбийлар Ироқни тарк этади

Паргиза БЕКТЕМИРОВА. Япония Бош вазири Коидзуми Ироқдан япон қуролли қўчалари миллий бўлимлари чиқарилиши тўғрисида маълум қилди. Аммо бунинг Ироқда бугунги кунда 600 нафарга яқин япон ҳарбийлари бор.

Баллистик ракета синаладими?

Шимолий Кореяда «Тэпхон-2» ракетасининг синалиши учун барча қоралар қўрилганлиги ҳақида Сеул телевидениеси ҳукумат раҳбарияти маълумотларига қўра хабар қилган. Бундан биринча вақт аввал расмий Вашингтон, Шимолий Корея баллистик ракетани ашлақон-чил билан тўдиргани ҳақида хабар тарқатган эди.

Индонезия чақирғи

Нигора УРОЛОВА, ЎзДЖТУ талабаси. Индонезия ҳукумати мусулмон мамлакатларни террорчилик ва диний экстремизмга қарши биргаликда курашишга чақирди. Бу ҳақда мамлакат президенти Суило Бамбанг Юдхойоно ўз чиқиши чоғида маълум қилган, деяр хабар беради маҳаллий «Ангара» ахборот агентлиги.

Судандаги низолар

Судан ҳукумати мамлакатга БМТнинг халқаро тинчликпарвар қўчалари киритилишига қаршилик билдирди. Судан президенти Умар аль-Башир Жанубий Африка Республикаси президенти Табо Мбекининг мамлакатга ташрифи давомида ташкил этилган матбуот анжуманида ана шу фикрни баён этди.

Компаниялар бирлашуви

Финляндиянинг «Nokia» ва Германиянинг «Siemens» компаниялари ули телекоммуникация бизнесини биргаликда юритишга келишиб олди. Бу билан ули алоқа соҳасида дунёда энг йирик компаниялардан бири вужудга келаётир.

70 нафар мураббий турли фанлардан сабоқ беради

Нурли келажак сари



Баҳром УЗОҚОВ, Тарих фанлари номзоди, Қарши Мухаммадлик-институсиде институтни қўшлагчи «Нурiston» академик лицейи директори

Ҳар бир бола ўзига хос иқтидор эгаси. Фақат бу истеъдод ўз вақтида аввало, ота-она, мураббий ҳамда ўқитувчи томонидан илғаб, унинг ривожланиши учун зарур шароит яратилса бас. Бу эса болани бўш вақт топди дегунча, ўз устида ишлашга ундайди.

Қарши муҳандислик-иқтисодий институти қўшидаги «Нурiston» академик лицейи ташкил топганига беш йил бўлди. Шу қисқа давр ичида билим бериш салоҳияти анча юксалди. Хозирга-ча бу ерда тахсил олган 500 нафардан ортиқ ёшлар бугунги кунда республика ва Россия Федерациясининг турли олий ўқув юр-ларида билимларини мустаҳкамламоқдалар.


Академик лицейда йўналишлар бўйича тўртта кафедра фаолият кўрсатаётганиги ил-мий-услубий ишларни ташкил этишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шунингдек, Қарши Му-ҳандислик ва иқтисодий институти ва Қарши Давлат университети кафедралари билан ўз-вий алоқа ўрнатилганлиги эса бу йўналишдаги

Таълим

Битирувчи етти кишидан иборат комиссиядан синовдан ўтади

Касбий синов маскани

Барно СУЛAIMONOVA, Матлуба ЖУРАЕВА. Қарши қишлоқ ҳўжа-лиги коллежида 1352 ўғил-қиз тахсил олади. Уларга 112 нафар (шун-дан 3 нафари фан ном-зоди), юқори малакали ўқитувчилар сабоқ бера-ди. Бу ерда мунтазам ўтказиб келинган очик эшиклар куни мактаб ўқувчиларининг билим маскани ҳаёти билан яқиндан танишиш им-кониятига эга бўлиб, у еки бу касб тўғрисида аниқ тасаввур касб этишда кат-та рол ўйнади.



Барно СУЛAIMONOVA, Матлуба ЖУРАЕВА

Дарҳақиқат, коллеж вилоятдаги энг нуфуз-ли билим масканларидан бири ҳисобланади. Талабалар ўзлари танлаган мутахассислик бўй-ича пухта билим олишлари учун барча шароит-лар яратилган. Амалиёт ва лаборатория ҳона-лари, ўқув устаконалари замон талаблари да-ражасида жиҳозланган. Шунингдек, коллеж-нинг Қарши туманидаги 91 гектарлик ўқув ҳўжалиги ва унинг таркибидеги агроучасткада ўқувчилар қишлоқ ҳўжалиги махсуслотларини етиштириш билан бирга фанлар бўйича дасту-рда қўрсатилган жин турларини парвариш-лашмоқда.

— Мустақиллик бошқа соҳа вакиллари каби педагог-ўқитувчиларга кенг имкониятлар эши-гини очди, — дейди коллеж директори Ибот Сайдуллаев. — Ўқитувчилар дунё илм-фани, маданияти билан танишмоқдалар. Бу эса таъ-лим самарадорлигини оширишда муҳим аҳам-ият касб этаётир. 2002-2005 йилларда касбий таълим бўйича директор ўринбосари Зафар Қобилов ҳамда ўқитувчилар Рашид Чоршан-биев ва Шокир Шукуров Япония, Россияда тажриба алмашиб қайтишди. Бу бесамар кет-

“Қудратимиз дўстликда, ҳамжиҳатликда”

Рустам ХАЙДАРОВ, “Туркистон-пресс”. Сурхондарё вилоят мусикали драма театрида “Қудратимиз дўстлик-да-ҳамжиҳатликда” деб номланган мусикай фестивал ўтказилди.

Унда корей, рус, туркман, қозқ, кирғиз ва тожик миллий маданияти марказлари вакиллари Ўзбекистон диёри ягона уйимиз эканлигини яна бир бор эътироф этишди. Фестивал иштирокчилари йиғилганларга театрлаштирилган сах-на кўринишларини намойиш этиш-ди. Санъат ва адабиёт халқларни бир-бирига яқинлаштириб, умрб-қий қадрига ва аъёналарни мустах-камлайди. Театрда ҳар бир халқнинг амалий санъати кўргазмаси ҳам на-мойиш этилди. Бундан мақсад ҳар

Сўраган эдингиз Ширкатнинг мажбуриятлари нимада?

Тўққиз қаватли уйда яшаётимиз. Ярим йилдирки, ошхона тарафда жойлашган шахтадаги қувурларнинг биридан сув оқиб етди. Бир неча марта уй-жой мулкдорлари ширкатига мурожаат этдик. Қувур сотиб олиб, ишчиларнинг хизмати учун пул йиғиб берсак, қувурни алмаштиришларини айтишди. Уй-жой мулкдорлари ширкатлари бу ишларни пул йиғмасдан амалга оширишга мажбур эмасми?

С.МИРКОМИЛОВ, Тошкент шахри

Саломат НИЗОЕВА, Тўққиз ўқитувчиси. «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 16-моддасига биноан, шир-кат: — Умумий мол-мулк, ширкатнинг ер участкасини белгиланган қондалар, нормалар ҳамда стандартларга мувофиқ асралиши ва сақланишини таъминлаши; — Ширкат аъзолари умумий йиғилишининг ва уй-жой мулкдорлари йиғилишларининг қарорлари бажа-рилишини таъминлаши; — Мажбурий бадаллар ва тўловлар ўз вақтида ке-либ тушишини таъминлаши; — Ҳар йили умумий мол-мулкни сақлаш, қўп квар-тиралар ҳар бир уй учун режа ишлаб чиқиши ва унинг

ТАФАККУР

